

“ЕР ҲИСОБИНИ МАЪМУРИЙ-ҲУДУДИЙ БИРЛИКЛАР БЎЙИЧА ЮРИТИШНИ РАҚАМЛАШТИРИШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ”



Хоҗиев Кучкор Мамадиёрович

“Ўздаверлойиҳа” давлат илмий-лойиҳалаш институти
Бўлим бошлиги, қ.х.ф.ф.д (PhD),



Абдуллаев Низомаддин Базарбаевич

“Ўздаверлойиҳа” давлат илмий-лойиҳалаш институти
Бўлим бошлиги

Аннотация. Мақолада анализик таҳлил ва монографик тадқиқот усулларига суюнган ҳолда ер ҳисобини юритишда унинг натижалари аниқлиги ва ҳаққонийлиги ўта муҳимлиги, шунингдек, туманнинг маъмурий чегарасидаги туманга бўйсунувчи шаҳар, шаҳарча ва қишлоқ (овул)лар бўйича ер ҳисобини юритишни ташкил этиши кўрсатиб ўтилган. Хусусан, тузилаётган ер балансининг сифатини ошириш, унинг ҳаққонийлиги ва шаффофлигини таъминлаш учун ер ҳисобини юритишни рақамлаштиришинг афзалликлари юзасидан амалий таклифлар берилган.

Калит сўзлар: маъмурий-худудий бирлик, туманга бўйсунувчи шаҳар, шаҳарча, қишлоқ, овул, ердан фойдаланувчи, ер баланси, ер ҳисоби, координаталар тизими, ер фонди тоифалари, ер турлари, электрон рақамли харита, рақамлаштириш.

Кириш. Мамлакатимиз тараққиётининг асосий йўналишларини такомиллаштириш ва амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларни янги

босқичга олиб чиқиши талаб этилаётган бир вақтда ерлардан, айниқса сугориладиган ерлардан самарали фойдаланиш ва уларни мухофаза қилиш, шунингдек, ер майдонларининг миқдорий ҳисобини юритиш усулларини такомиллаштириш тақозо қилмоқда, шунингдек, туманнинг маъмурий-худудий тузилиши таъминланмаганлиги ер майдонларининг миқдорий ҳисобини маъмурий-худудий бирликлар бўйича юритишни йўлга қўйишда муаммолар келтириб чиқармоқда.

Шу жиҳатдан ер ресурсларидан мақсадига кўра оқилона ва самарали фойдаланишда, ер муносабатларини тартибга солишда, ер ҳисобининг ҳаққонийлиги ва шаффоғлигини таъминлашда туманнинг маъмурий чегарасидаги туманга бўйсунувчи шаҳар, шаҳарча, қишлоқ (овул)лар бўйича ер ҳисобини юритишни рақамлаштириш масаласи долзарблигича қолмоқда.

Тадқиқот методологияси. Республикализнинг мавжуд 44 млн. 892,4 минг гектар ер майдонлари [9] доирасида ер ҳисобини тўғри, тўлиқ ва шаффоғ ҳолда юритиш берилган ерлардан самарали фойдаланиш ҳамда уларни мухофаза қилиш соҳасида олиб борилаётган ислоҳатларни амалга оширишда муҳим аҳамият қасб этиши сабабли ҳам бугунги кунда бу муаммони кун тартибининг асосий масалаларидан бири сифатида кўтарилаётганлиги бежиз эмас, негаки, ер муносабатларини тартибга солишда, ер ҳисобининг ҳаққонийлиги ва шаффоғлигини таъминлашда туманнинг маъмурий чегарасидаги туманга бўйсунувчи шаҳар, шаҳарча ва қишлоқ (овул)лар бўйича ер ҳисобини юритишни рақамлаштириш масаласи долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда Республикализдаги маъмурий-худудий бирликларнинг қуи туркумини ташкил этувчи туманга бўйсунувчи шаҳар, шаҳарча, қишлоқ (овул)лар худудларининг белгиланган тартибда шакллантирилмаганлиги, жумладан, туманга бўйсунувчи шаҳар, шаҳарча, қишлоқ (овул)лар худудлари бўйича амалда ер ҳисоби юритилмаётганлиги мазкур бирликлар бўйича маълумотлар базаси шакллантирилишида сунъий тўсиқларни вужудга келтирмоқда. Шу билан бирга ер ҳисобида ҳаққонийликни ва шаффоғликни таъминлаш зарурияти уни юритиш билан боғлиқ амалдаги тартибиға тегишли ўзgartериш ва қўшимчалар киритиш лозимлигини кўрсатмоқда.

Таҳлил ва натижалар. Мамлакатнинг маъмурий-худудий бирликлари кесимида ер фондининг тоифалари [2] ва турлари бўйича уларнинг миқдорий ҳисобини юритиб боришда соҳа мутахассисларига катта вазифалар юклатилганлигига қарамасдан, жойларда олиб борилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, бугунги кунда ер ҳисобини юритишга доир муайян тизим яратилмаганлиги, шунингдек, туманнинг маъмурий чегараси туманга бўйсунувчи шаҳар, шаҳарча ва қишлоқ (овул)лар бўйича белгиланган тартибда бўлинмаганлиги ер майдонларининг миқдорий ҳисобини тўғри ва тўлиқ юритиш

билан боғлиқ бўлган норматив-хуқуқий масалаларни батафсилоқ кўриб чиқилиши керак бўлган жиҳатлардир.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 83-моддасида “Ўзбекистон Республикаси вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасидан иборатлиги” қайд этилганлиги, бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-худудий тузилиши тўғрисидаги қонуннинг 5-моддасида “Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-худудий бирликлари - вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасидан иборатлиги”ни кўрсатиб ўтилганлиги мавжуд туманларнинг маъмурий чегараси доирасидаги туманга бўйсунувчи шаҳар, шаҳарчалар, қишлоқ ва овуллар худудларининг чегаралари ўрнатилган тартибда белгиланиши учун хуқукий асос эканлигини яна бир карра тасдиқлайди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-худудий тузилиши тўғрисидаги қонуни 3-моддасига асосан “туман - вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси таркибидаги, қоида тариқасида, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллардан иборат бўлган маъмурий худудий бирлик” деган тушунчага эгамиз.

Бундан ташқари, Вазирлар Махкамасининг 2014 йил 4 мартағи 48-сон қарори билан тасдиқланган “Шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овулларнинг маҳаллаларини тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартиби тўғрисида Низом”нинг 2-бандида маҳаллалар шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар худудида ташкил этилиши, 3-бандида маҳаллалар маъмурий-худудий бирликлар ҳисобланмаслиги кўрсатиб ўтилган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ер кадастри тўғрисида”ги Қонуни 11-моддасида “Ер ресурсларининг ҳолати тўғрисидаги Миллий ҳисобот” ҳар йили тайёрланиши ҳамда бутун мамлакат ва маъмурий-худудий бирликлар бўйича ерларнинг миқдор ва сифат ҳолати ҳамда уларнинг баҳоси, тоифаларга бўлиниши, тармоқлар, ер участкаларининг эгалари, ер участкасидан фойдаланувчилар, ер участкаси изярачилари, мулкдорлари бўйича тақсимланиши тўғрисидаги маълумотларни ва ер кадастрига оид бошқа ахборотни ўз ичига олиши белгилаб қўйилган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2018 йил 18 апрелдаги 299-сон қарори билан тасдиқланган “Маъмурий-худудий бирликлар чегараларини белгилаш тартиби тўғрисидаги Низом”да туманнинг маъмурий чегараси доирасида туманга бўйсунувчи шаҳар, шаҳарча, қишлоқ

(овул)лар ҳудудлари ташкил этилиши назарда тутилган бўлсада, бугунги кунда Республикализ бўйича туманларнинг маъмурий-ҳудудий тузилиши тўлиқ якунланмаганлиги аниқланган.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳудудий бирликларининг чегараларига бутунжаҳон координаталар тизими (WGS-84) дан [7] фойдаланган ҳолда қайта аниқлик киритиш орқали туманга бўйсунувчи шаҳар, шаҳарча, қишлоқ (овул)лар кесимида мавжуд ер майдонларнинг аниқ ҳисоб-китобини йўлга қўйиш, шунингдек, ердан фойдаланувчиларнинг контурлари кесимида ер ҳисобини юритищда туманга бўйсунувчи шаҳар, шаҳарча, қишлоқ (овул)лар ҳудудларининг электрон рақамли хариталарини яратиш ер фондининг барча тоифалари бўйича ер ҳисобини юритишини рақамлаштиришда муҳим амалий аҳамият қасб этади.

Хулоса. Юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда ҳамда ер ҳисобини юритишининг мавжуд ҳолатини тадқиқ қилиш асосида қайд қилиш зарурки, ер ҳисобини юритишининг амалдаги тизимини қайта кўриб чиқиши, чуқур таҳлил қилиши, ер ҳисобини тўғри, тўлиқ ва шаффоғ ҳолда юритиши, биринчи галда, ер фондининг барча тоифалари бўйича ер ҳисобини туманга бўйсунувчи шаҳар, шаҳарча, қишлоқ (овул)лар ҳудудлари бўйича юритишини рақамлаштиришни тақозо этади.

Ер ҳисобини маъмурий-ҳудудий бирликлар бўйича юритишини рақамлаштириш натижалари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда бошқа қонунлар талаблари бажарилишини, шунингдек, туманлар ер ҳисобининг тўғри ва тўлиқ юритилишини таъминлайди ҳамда иқтисодиётнинг барча тармоқларида ер майдонлари бўйича ҳисботларнинг тўғри шаклланишига ҳисса қўшади.

Ер майдонларининг миқдорий ҳисобини юритиш бўйича мавжуд ҳужжатларни таҳлил қилиш ҳамда соҳадаги амалий тажрибалардан келиб чиқсан ҳолда ер ҳисобини туманга бўйсунувчи шаҳар, шаҳарча, қишлоқ (овул)лар кесимида тўғри ва тўлиқ юритиш тизимини такомиллаштириш юзасидан қўйидаги таклифларни киритишини зарур деб ҳисблаймиз:

1. Туманларнинг маъмурий чегараси доирасида туманга бўйсунувчи шаҳар, шаҳарча, қишлоқ (овул)лар ҳудудларини ташкил этиш орқали туманнинг маъмурий-ҳудудий тузилишини таъминлаш;

2. Туманга бўйсунувчи шаҳар, шаҳарча, қишлоқ (овул)лар ҳудудларининг электрон рақамли хариталарини яратиш орқали уларнинг ер фонди тоифалари, ер турлари ва ердан фойдаланувчилари бўйича ер ҳисобини юритиш бўйича мобил илова яратиш;



3. Туманга бўйсунувчи шаҳар, шаҳарча, қишлоқ (овул)лар ҳудудларининг ер ҳисобини юритишни рақамлаштириш бўйича илмий услугбий қўлланма ишлаб чиқиши.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.
2. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси.
3. Ўзбекистон Республикасининг давлат ер кадастри тўғрисидаги қонуни.
4. Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-худудий тузилиши тўғрисидаги қонуни.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 сентябрдаги “Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6061-сон Фармони.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган хуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6243-сон Фармони.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 апрелдаги “Маъмурий-худудий бирликлар чегараларини белгилаш, ер ресурсларини хатловдан ўtkазиш ҳамда яйлов ва пичанзорларда геоботаник тадқиқотларни ўtkазиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 299-сон қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 4 марта “Шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овулларнинг маҳаллаларини тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 48-сон қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси ер ресурсларининг ҳолати тўғрисидаги Миллий ҳисбот. - Тошкент: Кадастр агентлиги, 2023 й.

